

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.30.05.2018. Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЗЗОҚОВ АЛИШЕР АБДУЗОХИДОВИЧ

**АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ИЛМ ВА МАЪРИФАТ
ТАЛҚИНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Раззоқов Алишер Абдузоҳидович

Алишер Навоий шеърятда илм ва маърифат талқини 3

Раззаков Алишер Абдузахидович

Интерпретация науки и духовности в лирике Алишера Навои 23

Razzakov Alisher Abduzahidovich

Interpretation of science and spirituality in the lyrics of Alisher Navai 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 46

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.30.05.2018. Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЗЗОҚОВ АЛИШЕР АБДУЗОХИДОВИЧ

**АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ИЛМ ВА МАЪРИФАТ
ТАЛҚИНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2019

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.1.PhD/Fil 32 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Салоҳий Дилором Исомиддин қизи
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Йўлдошев Бойназар
филология фанлари доктори, профессор

Жабборов Нурбой Абдулҳакимович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи илмий ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги PhD.30.05.2018.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Ўзбек филологияси факультети фаоллар зали.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2019 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Н.Шодмонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д.

Г.Н.Тожиева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, филол.ф.ф.д. (PhD)

Д.Тўраев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослиги XXI асрга келиб, шарқ мумтоз адабиётининг ўлмас намояндалари қатори Алишер Навоий каби умуминсоний миқёсдаги ижодкорлар асарларини ҳам бугунги глобаллашган илмий-назарий тафаккур сатҳида ўрганиш муаммосини кун тартибига қўйди. Янгиланаётган даврга монанд илмий жиҳатдан такомиллашиб бораётган адабиётшуносликдаги назарий методлар, янгича талқин ва таҳлил усуллари асосида жаҳоншумул ижодкорлар асарларини дунё илмий жамоатчилиги миқёсида татбиқ қилиш, мавзу ва ғоялар дунёсини, тимсоллар бадииятини типологик ўрганиш замонавий жаҳон адабиётшунослиги марказида турган долзарб муаммога айланди. Алишер Навоий шеърятининг ирфоний-тасаввуфий маъноларини янгича назарий асосларда комплекс ўрганиш замонавий дунё адабиётшунослигини жаҳон бадиий тафаккурининг мана шундай глобал жараёнларига дахлдор этиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон илм-фани бугунги глобал дунёда Алишер Навоий қолдирган салмоқли адабий меросга янада кўпроқ таяниши, унинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиши лозим. Инглиз шарқшунослигида Навоий асарлари матншунослик нуқтаи назарида тадқиқ этилган бўлса, немис олимлари шоир шеърятининг поэтик ва бадиий хусусиятларини ўрганишга аҳамият қаратдилар, француз олимлари эса ўтган аср бошларида Навоийнинг бир қатор насрий асарларининг илмий танқидий матнларини яратдилар. Алишер Навоий ижоди мисолида шарқ мумтоз адабиёти ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилди ва ундаги муҳим бир даврни ташкил этди. Шу нуқтаи назардан Навоий ижодини исломий-тасаввуфий ғоялар, шарқона бадиият мезонлари негизида ўрганиш, шоир лирикасининг ирфоний моҳиятини жаҳон адабиёти контекстида тадқиқ этиш янги ва долзарб муаммо саналади.

Навоийшунослик тарихи узоқ даврларга бориб тақалса-да, мустақиллик йилларида адабиётшуносликнинг бу соҳаси янги ўзанларда ривожланди. Бу даврда ўзбек навоийшунослигида шоир асарлари манбалари таснифи, нашрлари, текстологик таҳлили, тарихий-биографик, қиёсий-тарихий, илмий-тасаввуфий тадқиқи борасида муайян ютуқларга эришилди. Айни пайтда, шоир ижодини умумжаҳоний кўламда, муаллиф диний-маърифий дунёқараши, бадиий-концептуал принциплари асосида холисона ўрганиш бугунги адабиётшунослик олдида турган муҳим масалалардандир. Зеро, “...адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор экани, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт ва маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”лиги¹ бугунги адабиётшунослигимиз олдида қанчалик катта вазифалар қўйилганлигини кўрсатади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил, 4 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сонли «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳини ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Дунё адабиётшунослигида тасаввуфий адабиёт муаммолари Ҳ.Риттер, Л.Массигнон, Ж.С.Тримингэм, А.Шиммел, А.Зарринкўб, М.А.Жўшон сингари адабиётшунос ва шарқшунослар томонидан ўрганилган бўлса-да, бироқ бу тадқиқотчилар, асосан, араб ва форс тилли муаллифлар асарларига таянганлар². XIX – XX асрларда рус шарқшунослигида Алишер Навоий шахсияти ва ижодига алоҳида қизиқиш яққол кўзга ташланди. Рус шарқшуносларидан М.Никитский, В.Бартольд, Е.Бертельс, А.Кононов, А.Боровков, А.Семёнов, М.Салье, А.Якубовский, А.Болдиревларнинг салмоқли тадқиқотлари яратилди³. Бироқ Алишер Навоийнинг ирфоний-тасаввуфий қарашларига ҳолисона баҳо беришга уриниш Е.Э.Бертельс⁴ тадқиқотларидагина кўзга ташланади.

Ўзбек навоийшунослиги собиқ иттифоқ йилларида А.Саъдий, Ойбек, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, Ҳ.Сулаймон, И.Султон, А.Қаюмов, Б.Валихўжаев, С.Ғаниева, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, А.Рустамов сингари олимлар меҳнати туфайли янги поғонага кўтарилган бўлса-да, бироқ Навоий ижодининг тасаввуфий моҳиятига ҳолисона ва етарли баҳо берилмади⁵.

² Қаранг: Хорижда тасаввуф таълимотининг ўрганилиши. Талқин ва таржималар муаллифи Қ.Исмоилов. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2008.

³ Қаранг: Халлиева Г.И. XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи: Филол. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент, 2016.

⁴ Бертельс Е.Э. Избранные труды: Навоий и Джамии. – Москва: Наука, 1965; Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965.

⁵ Қаранг: Саъдий А. Символизм тўғрисида. – Тошкент: Ўздавнашр, 1932; Ойбек. Навоий гулшани. – Тошкент: Бадиий адабиёт: 1967; Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1970;

Проф. А.Саъдийнинг⁶ бу борадаги уринишлари эса ўша давр мафкураси тақозосига кўра адабиётшунос О.Шарафиддиновнинг танқидига учради⁷. Академик В.Зоҳидовнинг “Улуғ шоир ижодининг қалби” номли монографиясида бошқа муаллифларга нисбатан Навоийнинг тасаввуфга муносабати кенгроқ ёритилган бўлса-да, бироқ ундаги кўпгина фикрлар “социалистик мафкура таъсирида айтилган бўлиб, кўпроқ Навоийни тасаввуфдан, идеализмдан ажратиб олишга ва материализмга мансуб этишга қаратилган”⁸.

Тасаввуф ва тасаввуф адабиётидаги илмий-маърифий қарашлар ва унинг ўзбек мумтоз адабиётидаги бадиий талқини масалалари ҳақида ўзбек адабиётшунослигида маълум даражада фикр билдирилган. Истиқлол йилларида илмнинг бу соҳасида бир қатор тадқиқотлар юзага келди. Жумладан, И.Ҳаққулов, А.Абдуқодиров, Н.Комилов, М.Муҳиддинов, Д.Салоҳий, Н.Жабборов, С.Олимов, К.Муллаҳўжаева, У.Қобилов, У.Жўрақулов, Н.Бекова, Н.Бозорова, З.Мамадалиева, О.Давлатов каби адабиётшунос олимларнинг асарлари, илмий тадқиқотлари бунга мисол бўла олади⁹.

Илм ва маърифат ғояларининг тасаввуфий адабиётда, хусусан Алишер Навоий ижодида тутган ўрни ва поэтик талқини ҳақида мазкур ишларда маълум ўринларда ва маълум маносабат билан фикрлар билдирилган бўлса-да, лекин бу масала яхлит илмий-монографик тадқиқот доирасида ўрганилмаган. Шу муносабат билан таниқли адабиётшунос олим И.Ҳаққул бу масалада шундай фикр билдирган эди: “Маърифат ва орифлик ҳақида тинимсиз гапирилади, тўхтовсиз ёзилади. Аммо ирфоний нуқтаи назардан

Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 2010; Қаюмов А. Алишер Навоий. – Тошкент: Ёш гвардия, 1976; Ғаниева С. Алишер Навоий. – Тошкент: Фан, 1962; Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Тошкент: Ўзфанакадашр, 1963; Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира. – Тошкент: Фан, 1972; Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979.

⁶ Саъдий А. Символизм тўғрисида. – Тошкент: Ўздавнашр, 1932. – 112 б.

⁷ Шарафиддинов О. Танланган асарлар. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 182.

⁸ Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти (Ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича). Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1998. – Б: 4.

⁹ Қаранг: Ҳаққулов И.Ч. Ўзбек тасаввуф адабиётининг шаклланиши ва тараққиёти: Филол. фанлари докт. дисс. – Тошкент, 1995.; Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991.; Шу муаллиф. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро: Бухоро, 2000; Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007.; Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007; Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти (Ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича): Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1998; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр – Ўзбекистон, 2009.; Шу муаллиф. Хизр чашмаси. – Тошкент: Маънавият, 2005; Олим С. Ишқ, ошиқ ва маъшук. – Тошкент: Фан, 1992.; Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996; Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2005; Салоҳий Д. Навоий насрида тасаввуф. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1995.; Шу муаллиф. Хуррият харорати. – Тошкент: Фан, 2007; Жабборов Н. Маърифат надир? – Тошкент: Маънавият, 2010; Жабборов Н. “Илм андоғ ганжи нофиьдур...” // Шарқ юлдузи, 2002. 3-сон. – Б: 150 – 151; Жабборов Н. Ой ҳам ибодат қиладими? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2005 йил 28 октябрь; Муллаҳўжаева К.Т. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги (“Бадоеъ ул-бидоя” девони асосида): Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2005; Қобилов У. Илоҳиёт ва бадиият. – Тошкент: Ниҳол, 2008; Жўрақулов У.Ҳ. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси: Филол. фан. докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2017; Бекова Н. Алишер Навоий шеъриятида ҳамд поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2006; Бозорова Н. Алишер Навоий ғазалларида кўнгили образи. – Тошкент: Фан, 2009; Мамадалиева З.У. “Лисон ут-тайр” достонидаги рамзий образлар тизими: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2011; Давлатов О.Д. Алишер Навоий шеъриятида Куръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2017.

“Ориф ким? Маърифат нима?” – деган саволга тўлақонли жавоб қайтарадиган бир мақолани ҳам учратмайсиз”¹⁰. Адабиётшунос олим ўзининг “Навоийга қайтиш” номли китобида ҳам бу масаланинг махсус ўрганилмагани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган¹¹. Мазкур ҳолат навоийшунослик соҳасида ҳали ўрганилмаган қирраларнинг борлигидан далолатдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Самарқанд Давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 2016 – 2020 йилларга мўлжалланган “Алишер Навоий ижоди ва адабий таъсир масалалари” мавзuidaги илмий ишлар доирасида ҳамда Ф-1-06-сонли “Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” (2012 – 2016) номли фундаментал лойиҳа таркибида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тасаввуф таълимотидаги илм ва маърифат ғояларининг Алишер Навоий ижодида тутган ўрни ва бадиий талқини масалаларини шоирнинг “Хазойин ул-маоний” девони мисолида илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоий шеъриятидаги ирфоний ғояларнинг исломий манбаларини ва тасаввуфий илдизларини аниқлаш;

Алишер Навоий шеъриятида илм истилоҳининг ирфоний маънолари ва бадиий талқини масалаларини ўрганиш;

Алишер Навоий шеъриятида маърифат тушунчасининг тасаввуфий талқинини ёритиш;

шоир маърифий қарашларини ифодалаган ирфоний истилоҳларни ўрганиш;

Алишер Навоийнинг ирфоний қарашларида Пайғамбар (а.с.) ва “ориф” тимсолларининг бадиий талқини масаласини тадқиқ этиш;

“ақл” ва “ишқ” тимсолларининг шоир шеъриятидаги ирфоний моҳиятини таҳлил этиш.

Тадқиқот объекти сифатида Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадоеъ ул-васат”, “Фавойид ул-кибар” девонларини ўз ичига олган “Хазойин ул-маоний” куллиётидан ўрин олган, маърифий-ирфоний мазмундаги ижод намуналари танланган.

Тадқиқот предметини Алишер Навоий шеъриятидаги ҳамд, муножот, наът ва орифона, шунингдек ошиқона ва риндона ғазаллар ҳамда бошқа жанрдаги шеърларнинг ирфоний мавзулари таҳлил ва талқин ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда матний-қиёсий ва таҳлилий-қиёсий усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Навоий шеъриятидаги илм ва маърифат ғояларининг исломий ва тасаввуфий манбалар асосида шаклланганлиги исботланган;

¹⁰ Ҳаққул И., Очилов Э. Ўзбек мумтоз адабиёти ва тасаввуфни ўрганиш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2003. 2-сон. – Б. 69.

¹¹ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 64 – 65.

илм ва маърифат тушунчаларининг Навоий шеъриятида ирфоний-тасаввуфий моҳият касб этиши ҳамда буларга муштарак мавзулар, жумладан, инсон муаммосига доир ирфоний-тасаввуфий ғояларнинг шоир ижодидаги бадиий талқинлари илмий жиҳатдан очиб берилган;

“сир”, “дард”, “ғам”, “алам” истилоҳларнинг Алишер Навоий шеъриятидаги тасаввуфий маънолари ва уларнинг бадиий кўринишлари қиёсий-тахлилий усулда ёритилган;

Навоий ирфоний қарашларини ўзида акс эттирган Пайғамбар (а.с.) ва ориф, ақл ва ишқ тимсолларининг шоир шеъриятидаги бадиий талқинлари илмий асосда очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоий ирфоний қарашларида исломий-тасаввуфий манбаларнинг ўрни ҳақида яхлит ва тизимли илмий-назарий қарашлар шакллантирилган;

шоир шеъриятидаги илм ва маърифат ғояларининг ирфоний маъноларини очиб бериш орқали шоир тафаккур даҳосини янада чуқурроқ англаш учун янги таҳлил ва тадқиқ усуллари ишлаб чиқилган;

Навоий ижодида исломий маърифат ва тасаввуфий талқин уйғунлиги масаласи таҳлиллар орқали аниқланган;

Навоий сўфиёна қарашларининг бадиий талқинида Шарқ мумтоз адабиётининг анъанавий рамз ва тимсолларининг ўрни белгиланган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқот юзасидан чиқарилган хулосалар тадқиқотчи томонидан эълон қилинган илмий ишларда ўз ифодасини топганлиги ҳамда бу хулосалар илмий жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланганлиги, аниқ қўйилган муаммо қиёсий-типологик, матний-қиёсий усуллар ёрдамида ечилганлиги, назарий хулоса ва фаразларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Алишер Навоий асарларининг ирфоний мазмунини, диний-тасаввуфий характеридаги асарларни тўғри таҳлил ва талқин қилишга илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг айрим илмий хулосалари шу пайтгача илмий жамоатчилик эътиборидан четда қолаётган Навоий ирфоний қарашларининг исломий маърифат билан уйғунлигини яқинроқ танишиш имконини беради.

Диссертациянинг хулосаларидан адабиётшунослик, мумтоз адабиёт тарихи, тасаввуфшунослик, диншунослик, маънавият асослари каби ўқув фанлари учун олий таълим тизимида мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмалар ёзишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алишер Навоий шеъриятида илм ва маърифат ғояларининг бадиий талқинларини тадқиқ этиш ҳамда унинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш асосида:

мумтоз шоирлар ижодида инсон муаммоси ва унинг бадиий талқини берилишини ўрганганда миллий истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан

ёндашиш зарурлиги асосланиб, масаланинг шу тарзда кўйилишида Навоий шеъриятидаги илм ва маърифат ғояларининг анъана, адабий таъсир, бидий синтез доирасидаги бадий талқини юзасидан чиқарилган хулосалардан Ф-1-06-сонли “Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” номли фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 декабрдаги 89-03-4229-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳада илм ва маърифат тушунчаларининг Навоий шеъриятида ирфоний-тасаввуфий моҳият касб этиши ҳамда бу буларга муштарак мавзуларнинг шоир ижодидаги бадий талқинлари бўйича хулосалар чиқарилган.

Алишер Навоий шеъриятидаги ирфоний мавзулар ва бадий санъаткорлик уйғунлиги масалалари, шоир ғазалларидаги маърифий йўналиш ва орифона кечинмалар ҳақида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят худудий бўлинмаси қошидаги “Садоқат” ижодий тўғараги ёш ижодкорларига маърузалар қилинган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2018 йил 26 ноябрдаги 01-03-05/1636-сон маълумотномаси). Илмий хулосаларнинг амалиётга қўлланилиши тўғарак аъзолари бўлган ёш ижодкорларнинг Навоий ирфоний қарашларини ўзида акс этган Пайғамбар (а.с.) ва ориф, ақл ва ишқ тимсолларининг шоир шеъриятидаги бадий талқинларини теранроқ англашларига кўмаклашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Шунингдек, диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослик, Ислом фанлари кафедраларининг 2018 йил 3 декабрдаги кўшма йиғилишида ҳам муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертациянинг асосий мавзуси бўйича 22 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ҳажми 174 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Навоий шеърлятидаги илм ва маърифат ғояларининг манбалари”** деб номланиб, икки фаслга бўлинган. “Исломий манбалар” сарлавҳали биринчи фаслда қуйидаги масалалар ёритилган: Навоий асарларининг ирфоний моҳиятини холис баҳолашнинг бирламчи асоси шоирнинг исломий шахсияти ва дунёқараши бўлмоғи лозим. Бу борадаги энг ёрқин тасаввурни биз Навоийга замондош тарихчилар ва шоирнинг ўз асарларидаги унинг эътиқодий шахсиятига берилган чизгилардан олишимиз мумкин. Шундан сўнг навбатдаги эътибор шоир ирфоний фикрларининг исломий манбаларига қаратилади. Навоий шеърлятидаги илм ва маърифат ғояларининг асосини исломий манбалар, хусусан, Ислом динининг биринчи асос китоби Қуръони Карим ташкил этади. Чунки тасаввуф таълимотининг ўзи Ислом дини негизида шаклланидиган, ундаги илмий-маърифий қарашлар ҳам Қуръон ғоялари асосида ривожланган. Адабиётшунос У.Қобиловнинг бу борада билдирган фикрлари ҳам асослидир: “...Ислом динини қабул этган мамлакатларнинг ижодкорлари диний-тасаввуфий мазмундаги асарлари учун икки эскирмас ва ўлмас манбага асосланганлар. Улардан биринчиси Қуръони карим, иккинчиси Ҳадиси шарифдир”¹².

Қуръони каримнинг бир қатор оятлари Навоий ирфоний қарашларининг ўзагини ташкил этади. Жумладан, “Нур” сурасининг 35-оятда “Аллоҳ Ер ва осмонларнинг нуридир...” дея марҳамат этилади. Маълумки, Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан бири бўлган “Ан-Нур” “ўз-ўзидан борлиги аён ва борлиқни ҳам аён этувчи”¹³ деган маънони англатиб, Навоийнинг Аллоҳ ҳамдига бағишланган қуйидаги мисраларида Унинг нури зуҳуридан яширинлик пардасида ниҳон бўлган жаҳон ва ундаги нарсалар “вужуд либосини” кийдилар, дейилади:

Сенсен ул меҳри беадилу бебадал
Ким, санга матлаъ ўлди субҳи азал.
Чунки ул субҳ нурунг этти зухур,
Уйлаким, тийра шом жабҳаи хур.
Ҳарне катми адамда эрди ниҳон,
Хоҳ аҳли жаҳону хоҳ жаҳон.
Бориси кийдилар либоси вужуд,
Буд хайлиға кирди ҳар нобуд¹⁴.

“Қоф” сурасининг 16-оятда ҳам Навоий ирфоний қарашларининг муҳим бир манбаи ҳисобланади. Унда шундай марҳамат қилинади: “Инсонни (Биз) яратганмиз (демак) унинг нафси васваса қиладиган (кўнглидан ўтадиган) нарсаларни ҳам билурмиз. Биз унга бўйин томиридан ҳам яқинроқдирмиз”. Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонида қушлар йўлбошчиси Ҳудхуд Симурғ (Аллоҳ)ни таърифлаб шундай дейди:

¹² Қобилов У. Илоҳиёт ва бадиият. – Тошкент: Нихол, 2008. – Б. 39.

¹³ Ислом. Энциклопедия. – Тошкент: ЎзМЭ, 2017. – Б. 48.

¹⁴ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 7-жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 2011. – Б. 277 – 278.

Они аъзонгизда қон янглиғ билинг,
Жисм эҳёсида жон янглиғ билинг.
Тан ичинда сизга ул жондин яқин,
Ҳар не йўқ ондин яқин, ондин яқин¹⁵.

Мазкур мисраларда юқоридаги ояти кариманинг мазмуни сингдирилган бўлса, оятнинг “наҳну ақрабу мин ҳаблил-варид” қисми қуйидаги байт таркибида икки мисрага бўлиб айнан келтирилган:

Дўст чун жон ичрадур, қўй **“наҳну ақраб”** сўзини,
Тут бўюн баским, яқинроқ келди **“мин ҳаблил-варид”**.¹⁶

Алишер Навоий ирфоний қарашлари учун иккинчи муҳим манба бу Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳадиси шарифларидир. Имом ал-Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” асарида Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан шундай ҳадис ривоят қилинади: “Танада бир парча гўшт бор, у соғлом бўлса, бутун тана соғлом бўлади. У бузилса, бутун тана бузилади. Огоҳ бўлинг! Ўша нарса қалбдир!”¹⁷. “Ҳайрат ул-аброр” достонининг учинчи ҳайратнинг қуйидаги тасвирида юқоридаги ҳадис бевосита ғоявий асос бўлиб хизмат қилганлиги кўринади:

Кишварининг қалбида бир тахтгоҳ,
Бўлмоқ учун хусрави кишварпаноҳ.
Тахтига ҳар ҳолки тори бўлуб,
Жумла ақолимида сори бўлуб.
Анда салоҳ ўлса, борида салоҳ,
Бўлмаса солих, бориси бефалоҳ¹⁸.

Яъни шоир талқинига кўра, бадан шахрининг тахтгоҳи кўнгили бўлиб, унда неки юз берса, шаҳарнинг барча томонида ҳам шу ҳолат – яхшилиқ, ободлик бўлса, ҳамма жойда яхшилигу ободлик, бордию бунинг тескариси бўлса, бу ҳам шаҳарнинг ҳамма ерига таъсир этмай қўймайди.

Навоий ирфоний фикрларининг яна бир муҳим манбаи ақида илмидир. Ислом ақидаси ва тасаввуф таълимотида Ҳақ илмидан келган ҳеч бир иш беҳикмат эмаслиги кўп бора таъкидланади. Шу боис инсон тақдирдан нолимаслиги, Ҳақнинг қазосига рози бўлиши талаб этилади. Зеро, “Аллоҳ таолонинг бандалардан улар қилган ишлари ҳақида “Нима учун бундай қилдилар?” деб сўрашга ҳаққи бордир. Аммо бандаларнинг Аллоҳ таолонинг ишлари ҳақида У Зотдан “Нима учун бундай қилди?” деб сўрашга ҳақлари йўқдир. Кимки “Аллоҳ бу ишни нима учун қилди?” деб сўраса, Қуръон ҳукмини инкор қилган бўлади”¹⁹. Ҳақ ишларидаги ҳикматни англамаган калтабин кимсаларни Навоий қуёш нурига тоқати йўқ кўршапалакка киёслайди:

Эл не билсун не эди Ҳаққа бу ишда ҳикмат,

¹⁵ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик: 9-жилд. – Б. 34.

¹⁶ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик: 1-жилд. – Б. 148.

¹⁷ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ. Олтин силсила: 1-жуз. – Тошкент: Hilol-nashr, 2013. – Б. 159.

¹⁸ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик: 6-жилд. – Б. 78.

¹⁹ Муҳаммад Анвар Бадахшоний “Ақидутут-Таҳовия” шарҳининг талхйси. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф таржимаси. – Тошкент: Hilol-nashr, 2014. – Б. 185.

Меҳр нурин не билур шабпараки тийра мизож.

Ақийдада собит шоирнинг фикрича, оламнинг тузилишида ипчалик ҳам хато бўлиши мумкин эмас. Агар бирор хатолик бўлса ҳам, бу ўзининг назари тўғри эмаслигидан, яъни моҳиятни англай билмаслигидандир, дея ўз нуқсини эътироф ҳам этади:

Бу коргахда хато келмади чу бир сари мўй,
Хато менинг назаримдандур, хато кўрсам.

Алишер Навоийнинг ирфоний ғояларини ўрганишнинг яна бир муҳим манбаси шоирнинг ислом шариатига бўлган муносабатидир. Маърифатга етишда шариатнинг ўрни ҳақида асосий маълумотлар ва изоҳларни ҳам шоирнинг ўз асарларидан топамиз. Навоий ғазалларидан бирида шундай дейди:

Эйки дебсенким, билай тавҳид сирридин хабар,
Шаръдин неким тажовуз айлади илҳод бил.

“Тавҳид” – Аллоҳнинг бирлиги, ягоналигини билмоқчи бўлган кишига шоирнинг жавоби шуки, бу йўлда кимки шариат чегарасига тажовуз қилса, йўлдан адашади. Ҳақнинг маърифатига элтадиган “сиротал-мустақим” – тўғри йўл, албатта, белгиланган чегарадан чиқмаган ҳолда бўлмоғи керак, солиқ шариатнинг темир қодаларига оғишмай амал қилибгина кўзлаган мақсадига етади, демоқчи бўлади шоир. Булардан маълум бўладики, шариат – рухий-маърифий камолот юксаклигининг биринчи поғонасидир. Усиз эришилган ҳар қандай даража мардуд бўлиши сўфийлар қарашларида ҳам, сўфиёна шеъриятда ҳам ўз аксини топган. Шундай экан, тасавуфда ҳам, унинг таъсиридаги адабиётда ҳам “Шариат – машъал, тариқат – йўл, ҳақиқат – борадиган манзилдир”²⁰, деган қараш умумий ва ўзгармас қоида ҳисобланади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “Тасаввуфий илдизлар” деб номланади. Қуръони каримда ўз ифодасини топган илм ва маърифат ҳақидаги қарашлар кейинчалик Ислом негизида шаклланган тасавуф таълимотига ва унинг манбаларига кўчди. Алишер Навоий ижодини ҳам бу таълимотдан ажратган ҳолда ўрганиб бўлмайди. “Чунки Навоий ижоди – уйғун бир тизим. Ана шу ягона тизимга сиғмайдиган ёхуд унга зид фикр илгари сурилган бўлиши мумкин эмас. Бу тизимни эса тасавуф назарияси бошқаради”²¹. Қолаверса, “Тасавуф адабиётини ўрганмай туриб мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида ёрқин тасаввур олиб бўлмайди”²², - дейди Е.Э.Бертельс. Ўз таълимотини Қуръони каримга таянган ҳолда ишлаб чиққан тасавуф намоёндалари одамзотнинг илму-тафаккурдаги камолоти маълум чегарагача бўла олишини, бу борада Аллоҳга етадиган зот йўқлигини кўп бора таъкидлашган.

Алишер Навоий ўзининг куйидаги байтида замоннинг ҳар қандай ишда соҳиби илм бўлган кишиси ҳам “гардун фунуни” олдида ожиз эканлигини уқтиради:

²⁰ Рафиддинов С. Шариат, тариқат ва ҳақиқат // Нақшбандия, 2010. 1-сон. – Б. 14.

²¹ Олим С. Ишқ, ошиқ ва маъшук. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 7.

²² Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – С. 54.

Замоннинг бори ишда зуфунуни,
Эрур гардун фунунининг забуни²³.

Инсонга хос илмлар эса, аввало, икки турга бўлинган: илми қол ва илми ҳол. Илми қол, ўз номидан маълум бўлганидек, сўз ва тушунтириш орқали ифодаланадиган барча илмлар. Фикҳ, фалакиёт, риёзиёт, мантиқ, тиббиёт ва ҳоказо илмлар шулар жумласидандир. Илми ҳол эса сўз воситасида тушунтириб, ифодалаб бўлмайдиган илмдир. Маълумки, ҳол тариқатдаги маълум бир мақомот даражаси бўлиб, бу даражага етган солиқ "...тасаввур – тахайюлда илоҳий жамолни мушоҳада қила бошлайди, қалбини завқу шавқ камраб олади. У шундай бир ҳолатга кўтариладиким, бутун аъзолари гўё Аллоҳ дейдиган, ҳар нафаси Тангрининг борлигидан хабар берадиган бўлади"²⁴. Бундай илм илми ботин деб ҳам номланиб, "Қалб, ҳол, сир ва ҳақиқат илми"²⁵ дея таърифланади. Илми ҳол қалб ва унинг такомили билан боғлиқ илм экан, табиийки у тил орқали баён қилинмайди.

Тасаввуфда Аллоҳни таниш илми "маърифат" деб аталади. У тасаввуф босқичларидан бири бўлиб, ҳол илми сифатида талқин этилади. Тасаввуф таълимотида маърифат алоҳида ўрин эгаллайди, тасаввуфнинг бош ғояларидан бири ҳисобланади. "Сўфийлар назарида маърифат фикрдан олдин кетадиган ва шубҳага заррача асос қолдирмайдиган илмдир. Маърифат илми ботиний илм деб ҳам юритилган"²⁶. Чунки бунда Аллоҳни билишнинг асосий ва бош воситаси қалб ва унинг руҳий такомили билан боғлиқ бўлади.

Тасаввуф ҳақидаги манбалар, маноқибларда келтирилган сўфийлар фикрича эътибор берадиган бўлсак, уларда инсон ҳаётининг бош мақсади маърифат бўлмоғи керак, деб уқтирилади. Ҳазрат Алишер Навоий ўзининг "Насойим ул-муҳаббат" асарида қайд этишича, Мансур Ҳаллож фарзандига шундай васият қилган экан: "...сен бир нимага кўшиш (ҳаракат – Р.А.) қилки, зарра ондин сақалайн (инсонлар ва жинлар – Р.А.) илмидин улуғроқ ва яхшироқ бўлғай. Сўрдумки, ул недур? Дедиким, Маърифат!"²⁷. Яъни, бунда маърифатнинг барча илмлардан устунлиги эътироф этилмоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби "**Шоир лирикасида ирфоний ғоялар синтези**" деб номланган. "Навоий шеъриятида илм тавсифи ва талқини" деб номланган биринчи фаслда шоирнинг ҳамд, муножот ва орифона ғазаллари таҳлили орқали илм тушунчасининг ирфоний талқинлари ойдинлаштирилган. Қуръони каримда ва тасаввуф манбаларида бўлганидек, Навоий ижодида ҳам барча илмларнинг манбаи ва боши Яратувчига нисбат берилади. Бу диссертацияда шоирнинг бир қатор ғазаллари мисолида ўрганилган. Шу жумладан, "Ғаройиб ус-сиғар" девонидаги 5-муножот ғазал батафсил таҳлил қилинган. Ушбу ғазалда шоир илм тавсифини тасаввуфдаги тажаллий назарияси асосида баён қилган. Тажаллий Яратувчининг янги-янги исм ва сифатлари билан борлиқда намоён бўлишидир.

²³ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик: 6-жилд. – Б. 416.

²⁴ Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр – Ўзбекистон, 2009. – Б. 30.

²⁵ Чори И. Тасаввуф луғати // Тафаккур, 1999. 3-сон. – Б. 126.

²⁶ Комилов Н. Тасаввуф. – Б. 37.

²⁷ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик: 17-жилд. – Б. 109.

“Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги 242-ғазалининг қуйидаги байтларида илоҳий илм ҳақидаги қарашлар “вахдат ул-вужуд” таълимоти орқали тавсиф этилган:

Зиҳи камол ила кавнайн нақшиға наққош,
Мукавванот вужудин вужудунг айлаб фош.
Вужудунг айлади мавжуд улусниким, бўлмас,
Вужуд зарраға мавжуд бўлмағунча қуёш.

“Вахдат ул-вужуд” тасаввуфда мавжуд бўлган фалсафий таълимот бўлиб, бу таълимотнинг асосчиси 560 ҳижрий йил Марсия (Испания) да туғилиб, 638- ҳижрий (милодий 1240 йил) Сурияда вафот этган Муҳйиддин Абубақр Муҳаммад ибн Ал-Арабийдир. Мазкур таълимотга кўра “...тўлқин, ҳубоб (кўпик), сув гирдоби (ўрама), жала ва томчининг ҳаммасини фақат сув деб фараз қилиш каби барча мавжудодни яратувчи вужуди билан бир деб билиш ва ундан бошқа (худодан бошқа) барча борлиқни фақат тасавуру хаёл...” деб билишдир.²⁸ Юқорида келтирилган биринчи байтда ҳам Аллоҳ “кавнайн” – икки дунёнинг наққоши, яъни ижодкори, “мукавванот” – яратилганлар, мавжуд нарсалар, махлуқот ва мавжудоднинг вужуди, Унинг вужуди туфайли намоён бўлади дея таърифланади. Иккинчи байтда қуёш туфайли зарра мавжуд бўлганидек, улус – халқ ҳам Аллоҳ туфайли мавжуддир, деган маъно ўз ифодасини топган. Шу орқали ажойиб тамсил санъати ҳам юзага келган.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “Маърифатнинг тасаввуфий ифодаси” деб номланади. Навоий ирфон ва мавъизадан ҳоли бўлган девончилик ва шоирликни “беҳуда захмат” ва “зойиъ машаққат” деб баҳолайди. Модомики бадий адабиётнинг предмети инсон экан, у нафақат инсоннинг руҳий кечинмаларини тасвирлаши, балки унинг маънавий комиллигига ҳам масъулдир. Буни теран ҳис қилган Алишер Навоий ҳам бадий ижод олдиға янги талабларни кўяди ва ўзининг ҳар бир девонини анъанавий ҳамд ва наътлардан ташқари ирфоний-фалсафий мазмундаги шеър ва байтлари билан бойитади. Адабиётшунос олима К.Муллахўжаева орифона ғазалларнинг мазмун-мундарижасини шундай тушунтиради: “Дунёни мукамал идрок этиш, зотни сифатда, моҳиятни ҳодисада кўра олиш, ўзликни англаш, Ҳаққа – моҳиятга етишиш учун ҳаракат, нафсни енгиш сингари масалалар ва, энг муҳими, шу сифатларни ўзида жамлаган комил инсон ва комиллик ҳақидаги қарашлар орифона ғазалларнинг бош ғояси ва асосий мазмунини ташкил этади”²⁹. Навоий ғазалларида ҳам маърифат ғояси орифона руҳ ва кечинмалар, мушоҳадалар асосида талқин этилади. Шоир ғазалларида ирфоний ғоялар талқинининг асосий воситасини кўнгил-қалб тимсоли ташкил этади. Тасаввуф манбаларида қайд этилишича, “...қалб бимисоли ойна, тоза ва порлоқ бўлмағунча илоҳий тажаллиларни зуҳурлантирмайди”³⁰. Шу мавзу доирасида “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги 364-ғазал диссертацияда батафсил шарҳланган.

²⁸ Жўзжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент, 2001. – Б. 22 – 23.

²⁹ Муллахўжаева К.Т. Алишер Навоий ғазалларида тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – Б. 14 – 15.

³⁰ Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 41.

Шу билан бирга мазкур фаслда Навоийнинг инсон муаммосига доир ирфоний фикрларига ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Маълумки, Ислом дини ва шарқ тасаввуф фалсафасига кўра, инсон Тангри таолонинг бетимсол ижоди, мазҳари. Муқаддас китобда инсон шаъни улуғланиб шундай марҳамат қилинади: “Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) муқаррам қилдик...” (“Исро” сураси, 70-оят)³¹. Инсоннинг руҳи илоҳий оламдан – Ҳақ даргоҳидан. Унинг жисмида мана шундай хазина жо қилинган. Алишер Навоий наздида инсон ким? Навоий ўзининг “Насойим ул-муҳаббат” асарида инсонни “...маърифатуллоҳ ганжининг амини ва маҳрами”³², яъни Ҳақ маърифати ишониб топширилган зот сифатида таърифлайди. Унинг фикрича, Аллоҳнинг дунёни яратишдан мақсади ҳам аввало инсондир. Шу сабаб барча махлуқотлар ичида уни тенгсиз, кўнглини эса ирфон хазинаси қилиб яратган ва бу хазинада Ўзини пинҳон қилган:

Офаринишдин қилиб инсон ғараз,
Онинг айлаб халқ ичинда беэваз.
Кўнглин онинг махзани ирфон қилиб,
Ул тилисм ичра ўзин пинҳон қилиб³³.

Шоир “Наводир уш-шабоб” девонидаги таржиъбандда ҳам инсонга карата нима учун унинг йўқдан бор қилинганлигини шундай эслатади:

Ғараз ирфон экандурким адамдин,
Сени мавжуд айлабтур Худованд.
Қўюб кўнглинг аро нақди амонат,
Малак бўлмай санга бу ишда монанд³⁴.

Навоий ҳам ўз ижодида инсон муаммосига қуръоний ва тасаввуфий нуқтаи назардан ёндошади. Шоир инсонга илоҳий қудратнинг олий намунаси сифатида муносабатда бўлиб, унинг бу қадар қимматини ўзини таниш, бунинг воситасида Аллоҳни таниш билан белгилайди.

Иккинчи бобнинг “Навоий маърифий қарашларини ифодалаган ирфоний истилоҳлар” деб номланган учинчи фасли “сир”, “дард”, “ғам”, “алам” сингари истилоҳларнинг тасаввуфий талқини ҳамда унинг Навоий ижодидаги бадий кўринишлари таҳлилига бағишлаган. Тасаввуф таълимотида «сир» дейилганда Аллоҳ Ўзининг хос қулларигагина ато этадиган илоҳий маърифат тушуниланган. Тасаввуф ҳақидаги илмий ва бадий асарларда бу борада бир катор фикрлар мавжуд. Адабиётшунос олим И.Ҳаққулнинг фикрича, «Тасаввуфда сир икки турга ажратилган: биринчиси – Ҳаққа оид сир. Иккинчиси – халққа оид сир. Ҳаққа оид сир ёлғиз Ҳаққа аён, бошқага мутлақо ошкор қилинмайдиган сир. Халққа оид сир эса Ҳақ билан қул ўртасидаги сир. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам зоҳир қилинмаслиги керак. Чунки улар чин ошиқларга, хусусан валийларга ишониб топширилган»³⁵.

³¹ Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 289.

³² Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик. 10-жилд. – Б. 92.

³³ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик. 9-жилд. – Б. 7.

³⁴ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик. 2-жилд. – Б. 673.

³⁵ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 183.

Навоий ҳам бу борадаги ўз қарашларини «Фавойид ул-кибар» девонидаги бир ғазалида шу йўсинда ифодалаган:

Ҳақ сиррини ҳар кимга баён этма, Навоий,
Таън айламагай, билмас улус англаса ногаҳ³⁶.

Алишер Навоий “сир” истилоҳининг ирфоний талқини воситасида тасаввуфий масалаларнинг ўта нозиклиги, барча ҳам бирдек идрок эта билмаслиги, бинобарин бу каби илмий масалаларни ўз аҳли билангина муҳокама этиш мумкинлигини таъкидлайди.

Алишер Навоий ижодида кўп учрайдиган “дард”, “ғам”, “ҳижрон”, “бало”, “фироқ” сингари сўзларнинг ирфоний нуқтаи назардан англатган маъноларини, уларнинг келиб чиқиш илдизларини аниқлаш ҳам шоир маърифий қарашларини ёритишда катта аҳамиятга эга. Нажмиддин Кубро Аллоҳга элтувчи йўлларнинг адади махлуқотнинг нафаслари қадар беҳисоб эканлигини таъкидлаган³⁷. Шундай йўллардан бири дард ва ғам орқали қалбни поклашдир. Чунки инсон қалби маърифат ҳосил бўладиган жой, ирфон нуқтаси ҳисобланган. Аҳли тариқатнинг фикрига кўра, дард – инсон камолоти учун бир восита, Аллоҳнинг Ўз суйган бандаларига лутфу инояти. Масалан, Жалолоддин Румийнинг дард ҳақидаги фикрлари шундай: “Дард доимо инсонга йўл очади. Дунёдаги ҳар иш учун инсон юрагида иштиёқ, ҳавас ва дард бўлиши лозим. Акс ҳолда, инсон бу ишни қилолмас. Дардсиз ва захматсиз иш ҳам унга муяссар бўлмас”³⁸. Навоий ўзининг бир ғазалида уқдиришича, ғам, алам чекмай туриб инсон кўзлаган мақсадига етолмайди:

Навоиё, чу аламсиз мурод мумкин эмас,
Десангки, васл топай, ҳажр ўтига ёқилакўр³⁹.

Навоий девонларида бу каби айрим байтлардан ташқари бошдан-охир тўлалигича айни мавзуга бағишланган ғазаллар ҳам учрайди. Жумладан, “Фавойид ул-кибар” девонидаги 256-ғазал ҳам тўлалигича шоирнинг “ғам” ҳақидаги ирфоний қарашларининг бадиий талқинидан иборат. Мазкур ғазал ҳам диссертацияда батафсил таҳлил қилинган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Навоий маърифий қарашлари акс этган тимсоллар бадиияти”** деб номланиб, икки фаслни ўз ичига олади. “Алишер Навоийнинг ирфоний қарашларида ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) ва ориф тимсолларининг ёритилиши” деб номланган биринчи фаслда тасаввуфдаги “илми ладун” тушунчаси ва унинг ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) тимсолидаги талқинлари тадқиқ этилган. Маълумки, тасаввуфда «илми ладуний» деган истилоҳ мавжуд бўлиб, бу Яратувчи томонидан Ўз муқарраб бандалари – пайғамбарлар ва валийларгагина ато этилган илмдир. Бундай илмнинг энг олий намунаси сифатида пайғамбарларга, хусусан, пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (с.а.в.)га ато этилган илм эътироф этилган. Бу ҳақида пайғамбаримиз ҳақидаги Қуръони карим оятларида ва ҳадиси шарифларда зикр қилинган. Қуръони каримда шундай марҳамат

³⁶ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик: 6-жилд. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 356.

³⁷ Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент, 2004. – Б. 32.

³⁸ Жалолоддин Румий. Ичиндаги ичиндаур. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 29.

³⁹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик: 3-жилд. – Б. 132.

